

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.04.2022. Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА ГУЛНОЗ ГИОЗОВНА**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНАДАН  
ТУҒИЛГАН КАМ ТАНА ВАЗНЛИ ЧАҚАЛОҚЛАРДА НЕОНАТАЛ  
ДЕЗАДАПТАЦИЯНИНГ ИММУН-БИОКИМЁВИЙ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология и иммунология  
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК : 616.9-009.24 : 616 - 053.32 : 612.648.1: 612.017.1:577.1

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашева Гулноз Гиозовна**

Прееклампсия билан касалланган онадан туғилган кам тана вазнли  
чақалоқларда неонатал дезадаптациянинг иммун-биокимёвий мезонлари ..... 5

**Юлдашева Гулноз Гиозовна**

Иммуно-биохимические критерии неонатальной дезадаптации маловесных  
детей, родившихся от матерей с преэклампсией ..... 21

**Yuldasheva Gulnoz Giozovna**

Immuno-biochemical criteria for neonatal adaptation disorder in low birth weight  
infants born to a mother with preeclampsia ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works ..... 44

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА ГУЛНОЗ ГИЗОВНА**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНАДАН  
ТУҒИЛГАН КАМ ТАНА ВАЗНЛИ ЧАҚАЛОҚЛАРДА НЕОНАТАЛ  
ДЕЗАДАПТАЦИЯНИНГ ИММУН-БИОКИМЁВИЙ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология и иммунология  
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2335 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар**

**Наврузова Шакар Истамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мухамедова Шахноза Толибовна**  
PhD, доцент

**Расмий оппонентлар**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гульнора Талиповна Ташенова**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент  
(Қозоғистон Республикаси)

**Етакчи ташкилот**

**В.Н.Городков номидаги Иваново оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институти**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_куни соат\_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e- mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда муддатдан олдин туғруқлар ва ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолиши туфайли тана вазни 2500 дан кам бўлган чақалоқларнинг туғилиш эҳтимоли кўпаймоқда. Акушерлик ва неонатологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган преэклампсия кўпгина оналар ва гўдакларнинг ўлимига, перинатал касалланиш, муддатидан олдин кам тана вазнли туғилиш фоизининг ошишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, кам тана вазнли чақалоқларда постнатал мослашув даврининг бузилиши-неонатал дезадаптация билан боғлиқ перинатал патологиялар 5-10%ини ташкил этади<sup>1</sup>.

Дунёда ҳар йили преэклампсия ва эклампсия сабабли 500 000 га яқин чақалоқлар ўлими ва ўлик туғилиш қайд этилади. Кам тана вазнли чақалоқлар орасида соғлом болаларга нисбатан 25-30 марта ўлим ҳолатлари кўп учраб, гўдаклар ўлимининг 55-65% ташкил этади. Перинатал ўлим кам тана вазнли чақалоқлар орасида соғлом чақалоқларга нисбатан 6-10 марта кўп бўлиб, перинатал касалланиш 70-80% гача учрайди. Кам тана вазнли туғилган чақалоқларда ривожланишнинг кейинги даврларида ногиронликлар кўп учраб, уларни парваришлаш, реабилитация қилиш ва иқтисодий адаптациясини таъминлаш учун давлат томонидан жуда катта маблағ сарфланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, эрта ташхислаш, касалликларни даволаш, профилактика қилиш, инсон умрини узайтириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. “Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, туманлараро перинатал марказларни ташкил этиш, уларни кадрлар, зарур тиббий техника ва буюмлар билан таъминлаш, юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”<sup>2</sup> Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги мақсадлардан бири қилиб белгиланган. Олиб борилаётган комплекс тадбирлар натижасида оналар ва гўдаклар ўлимини 3,3 марта камайтиришга эришилди. Ҳомиладорлик патологияси ва туғруқ жараёнлари билан боғлиқ муаммолар – неонатал дезадаптация белгиларини ўз вақтида аниқлаб, профилактик чора-тадбирларни олиб бориш ва даволаш, муддатдан олдин туғруқларнинг содир бўлиши, кам тана вазнли чақалоқларнинг дунёга келишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПФ–4513-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар,

<sup>1</sup> The global strategy for women’s, children’s and adolescents’ health (2016-2030). Every Woman Every Child. Saving lives, protecting futures: Progress report on the Global Strategy for Women’s and Children’s Health. New York: United Nations, 2015. [www.who.int/maternal\\_child\\_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1](http://www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1) - 679k

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони.

ҳомиладорлар ва болаларга тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида»ги Фармони; 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори; 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» давлат дастури; 2021 йил 6 ноябрдаги «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси** Кесар кесиш амалиётининг йил сайин ортиб бориши Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан бутун дунё муаммоси деб тан олинган. Чунки кесар кесиш амалиёти ўзининг киска муддатли ва узоқ негатив оқибатлари сабабли перинатал ва аёллар ўлимни камайтиришда ўз самарадорлигини исботлай олмади (ЖССТ 2018; Исаева Э.В., Рыскельдиева В.Т. 2021).

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган мультииндикатор кластер текширишлар натижасида 2500 граммдан кам туғилаётган чақалоқлар жами тирик туғилаётган чақалоқларнинг 5% ташкил этиб, ўртача ҳар ўнинчи чақалоқ муддатдан олдин ёки ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолиш белгилари билан туғилиши қайд этилган (Акмалова Э.М., Ахрарова Н.А., 2018). Полипрогмазия, асоссиз медикаментоз терапия преэклампсиянинг асоратланиши, фетоплацентар қон айланишининг бузилиши, ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолишга сабаб бўлади. (Ходжаева З. С. ва ҳаммуал. 2013; Narayan В. 2016). Кўпгина олимларнинг фикрича, преэклампсияга олиб келувчи омиллар, яъни қон реологиясининг бузилиши, гемостатик потенциалнинг издан чиқиши, гипертензия механизмларининг ривожланиши асосида томир эндотелийсининг дисфункциясига сабаб бўлади (Gumina D.L., Black С.Р. 2017; Попова И.Г. ва ҳаммуал., 2021).

Эрта неонатал даврда постнатал адаптациянинг бузилиши диагностик критерийларини аниқлаш боланинг саломатлигини шакллантириш, иммун тизимни мустаҳкамлаш, адекват “иммун старт”ни белгилашда муҳим аҳамиятга эга (Фазлеева Л.К. 2013; Sohlberg E. et al. 2014). Маълумки, тизимли яллиғланиш патогенезининг асосида яллиғланишни қўлловчи цитокинлар (айниқса, IFN $\alpha$ , ҳамда IL-16, IL-6, IL-8, IL-10)нинг генерализациялашган гиперпродукцияси кузатилади. Бунда эндотелий дисфункцияси синдромига олиб келувчи асосий роль IFN $\alpha$  ва IL-6 зиммасида ётади. Яллиғланишни қўлловчи цитокинлар фаолияти устунлик қилганда, жараён кучайиб бориб, қон томирда ўткир фазада оксиллар, INF $\alpha$  ва эндотоксинлар миқдори ошади (Jorgensen I et al. 2016). Преэклампсия – ҳомиладорлик даврига хос синдром бўлиб, ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасидан кейин “de novo” намоён бўлади, артериал гипертензия, протеинурия, баъзан шиш ва полиорган етишмовчиликлар билан кечади (Сюндюкова Е. Г. 2015). 6

соат интервал орасида 2 марта такрор ўлчовлар натижаларига кўра, систолик артериал босимнинг 140мм сим.уст. ёки диастолик босимнинг 90 мм сим. уст.дан ошиши преэклампсиянинг диагностик мезонлари ҳисобланади (Барановская Е. И.,2017). Суткалик диурезда протеинурия 300мг дан ошиши диагностик чегара ҳисобланади. 24 соат давомида йиғилган сийдикдаги оқсил миқдорини аниқлаш энг аниқ усули эканлиги исботланган (Симанов И. В. 2016).

Бугунги кунда иммун тизим ва марказий стресс-тизимининг ўзаро алоқасида цитокинларнинг, айниқса IL-1 $\beta$ , IL -6 ва INF $\alpha$  ўрни каттадир (Якорнова Г.В. ва ҳаммуал. 2015). Соғлом авлодни дунёга келтиришда ҳомиланинг ривожланиши она саломатлигининг тизим, аъзо, ҳужайра ва молекуляр даражасига боғлиқ (Кан Н.И. и соавт. 2013). Адаптация жараёни куйидаги босқичларда намоён бўлади: турғун ҳолат, етишмовчиликларнинг юзага келиши ва адаптация механизмларининг бузилиши. Ҳомиладорлик даврида “она- ҳомила” тизими энг кўп адаптацион бузилишларга дуч келади. Дезадаптацион жараёнлар оқибатида ҳомиладорлик патологияси юзага келади ва ностабил элемент ҳисобланган ҳомиланинг тушишига сабаб бўлади (Кан Н.И., Николаева-Балл Д.Р. 2017). Оналар ва болалар организмнинг иммун-биокимёвий ҳолатини ўрганган ҳолатда, кам тана вазнли болаларни парваришlash ва муддатидан олдин туғишни олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш муддатидан олдин туғилган чақалоқлар муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (№05.2020.PhD100) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** преэклампсия билан касалланган онадан туғилган кам тана вазнли чақалоқларни парваришlash чораларини оптималлаштириш мақсадида иммун-биокимёвий статусини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муддатдан олдин туғруқ хавфли омилларини аниқлаш;

преэклампсия билан касалланган онадан туғилган кам тана вазнли чақалоқларнинг иммун-биокимёвий ҳолатини баҳолаш;

кам тана вазнли чақалоқларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари билан қондаги цитокинлар ва сийдикдаги интерферонларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини ўрганиш;

неонатал дезадаптациянинг иммун-биокимёвий мезонлари ва кам тана вазнли чақалоқларни парваришlash дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Бухоро вилоят перинатал марказида туғилган 90 нафар кам тана вазнли чақалоқлар ва назорат гуруҳига киритилган 30 нафар муддатида соғлом туғилган чақалоқлар проспектив теширилган. 2018-2020 йилларда туғилган 1181 нафар чақалоқларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммунологик ва биокимёвий

тадқиқотлар учун чақалоқлардан қон, қон зардоби ҳамда сийдик олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари** диссертация ишида умумклиник, иммунологик, биокимёвий, антропометрик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

муддатдан олдин туғруққа энг кўп сабаб бўлувчи хавф омиллари аниқланган: анамнезида муддатдан олдин туғруқлар бўлгани (ИН =5,3), 18 ёшгача даврдаги ҳомиладорлик (ИН=3,2), сурункали сальпингоофорит (ИН=3,2), ҳомиладорлик давридаги эмоционал стресс/депрессия (ИН =2,7);

преэклампсия билан касалланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда гипогликемия, транзитор гиперпротеинемия, қонда мочевина миқдорининг камайиши, интерферонларнинг камайиши асосида қонда IL-6 нинг 2,8 марта, IL-8 нинг 2,64 мартага ошиши исботланган;

ҳомиладорлик холестази ёки холестатик гепатозда кам тана вазнли чақалоқларда неонатал дезадаптация синдроми ва неонатал сепсис ривожланишида муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

преэклампсия билан касалланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқлар сийдигида  $IFN\alpha < 7,0$  пг/мл ва қонда  $IL-6 > 60,0$  пг/мл неонатал дезадаптацияни информатив мезонлари эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан касалланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда неонатал дезадаптация синдроми, сепсис ва унинг асоратларини олдини олиш мақсадида чақалоқларни парваришlash дастури ишлаб чиқилди;

преэклампсия билан касалланган аёл қонидаги мочевина миқдориға қараб, улардан кам тана вазнли туғилган чақалоқ қонидаги IL-8 миқдори истикболлини белгилаш усулини амалиётга тадбиқ этиш имконини борлиги исботланди. Бу юқори аниқликка эга ноинвазив ташхисот муолажаси бўлиб, кам тана вазнли чақалоқларда эрта неонатал сепсиснинг ривожланишини олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашда жуда муҳим аҳамиятга эга;

кам тана вазнли чақалоқларда неонатал сепсисни олдини олиш мақсадида, чақалоқ қон зардобида IL-6, сийдикда  $INF-\alpha$  миқдорини аниқлаш тавсия этилди;

преэклампсия ва гестацион гипертензия билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларини олиб боришда қонни биокимёвий таҳлили: умумий билирубин ва унинг фракциялари, юқори зичликдаги ли попротеинлар, қондаги мочевинанинг миқдорини соат сайин мониторингини олиб бориш тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотлардан олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган клиник, биокимёвий, иммунологик текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрта неонатал даврда кам тана вазнли чақалоқлар қонида IL-6, IL-8, сийдикда INF $\gamma$ , INF $\alpha$  аниқлаш клиник-диагностик ва истикболини белгилашда муҳим эҳамиятга эга эканлиги, преэклампсия билан касалланган ҳомиладорлардан муддатдан олдин туғилган кам тана вазнли чақалоқларда цитокинларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш неонатал дезадаптациянинг янги патогенетик аспектларини ёритиб беради ва перинатал патологик ҳолатларда чақалоқларни парваришlash тактикасини белгилаб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, соғлиқни сақлашнинг туғруқ муассасаларида кам тана вазнли чақалоқларда дезадаптация синдромини эрта ташхислаш ва истикболини белгилаш мақсадида, сийдикда (INF $\gamma$ , INF $\alpha$ ) интерферонларни ноинвазив усулда аниқлаш амалиётга тадбиқ этилган.

Клиник илмий текшириш натижалари ва янги ишлаб чиқилган тавсияномалар неонатал касалланиш ва ўлим фоизини камайтириш, стационарда даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳомиладорлар қонининг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлари, кам тана вазнли чақалоқларнинг қон ва сийдик таҳлили ҳамда муддатдан олдин туғруқ хавфли омилларини интеграл баҳолаш каби илмий тадқиқот натижаларига асосланиб: “Преэклампсия билан касалланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларни парвариши дастури” номли услубий тавсиянома (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 апрель 8н-д/369-сон хулосаси) ҳамда преэклампсия ва гестацион гипертензия билан касалланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда дезадаптациянинг истикболини баҳолаш электрон дастури (DGUN $\text{\textcircled{R}}$  15892 5 май 2022 йил маълумономаси) тасдиқланган.

Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган тавсиянома ва электрон дастурлар преэклампсиянинг ҳомилага ва янги туғилган чақалоққа таъсирини ўрганиш, цитокинларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, неонатал касалланиш ва ўлим фоизини камайтириш, стационарда даволаниш давомийлигини қисқартириш, иқтисодий самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Дезадаптация синдромининг истикболини аниқлаш, айниқса, ноинвазив иммунноцитокин диагностика усуллари соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмасида тадбиқ этилган (ЎзР ССВ нинг 14.05.2022й № 8 н-з/228 хулосаси).

Амалиётга қилинган тадбиқлар натижасида диагностик текширувларнинг аниқлик сифати ва тезлиги ошди ҳамда кам тана вазнли чақалоқларда неонатал дезадаптациянинг эрта профилактикаси амалга ошириш оқибатида иқтисодий тежамкорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Презклампися фонида перинатал касалланишга замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар таҳлиллари, жумладан янги туғилган чақалоқларда неонатал дезадаптация синдромининг замонавий тушунчалари ва клиник критерийлари, перинатал патологиянинг янги иммун-биокимёвий қарашлари баён этилган. Неонатологияда ўз ечимини топмаган саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ретроспектив текширув натижалари ва муддатдан олдин туғруқнинг хавф омиллари, махсус текширув усуллари баён этилган.

Мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро вилоят перинатал марказида 2018-2020 йилларда госпитализация қилинган 1181 нафар ҳомиладорларнинг туғруқ тарихи ва чақалоқлар касаллик тарихлари ўрганилган. Ўрганилган давр давомида 439 (37,2%) нафар ҳомиладорларда гестацион гипертензия, 347 нафарига (29,4%) презклампися ташхиси тасдиқланган. Ҳомиладорликнинг 22-27 ҳафтасида 2,8%, 28-34 ҳафтасида 50,0%, 35-37 ҳафтасида 47,1% туғруқ амалга оширилган. Шулардан, 986 (83,5%) нафари кам тана вазнли (2500,0-1500,0), 159 (13,5%) нафари жуда кам тана вазнли (1499,0-999,0) ва 36 (3,0%) экстремал кам тана вазнли (999,0-500,0) чақалоқлар туғилган. Янги туғилган чақалоқлар ташхислари ЖССТнинг мезонлари ва халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10) асосида тасдиқланган.

Муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг клиник ҳолатини баҳолашда кўпинча нафас бузилиш синдроми (НБС)-29,%, марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиш синдроми-10,5%, 102 (8,6%) нафар чақалоқларда эса ҳомила ичи инфекцияси аниқланган. Ҳомиладорлик париетети бўйича 1-ҳомиладорлик-38,6%, 2-ҳомиладорлик 30,7%, 3-ҳомиладорлик 18,2%, 4-ва

ундан ортиқ ҳомиладорлик 12,5% учраши кузатилган. Туғруқлар тиббий кўрсатмалар бўйича кесар кесиш ва табиий туғруқ йўллари орқали амалга оширилган. Текширилган давр давомида ўғил болалар-654(55,3%), қиз болалар 527 (44,6%) и ташкил этган. Кам тана вазнли чақалоқлар орасида энг кўп 1500,0-2500,0 вазнда туғилиб, 986 (83,4%) ни ташкил этган.

Муддатдан олдин туққан ҳомиладорларнинг касаллик структураси ўрганилганда: анемия- 94,4%, гестацион гипертензия -37,2% , преэклампсия - 29,3% ташкил топган.

Муддатдан олдин туғиш хавф омиллари орасида қоғонок парданинг муддатдан олдин ёрилиши- 189 (16,0%), бачадон чандиғи- 93 (7,8%), йўлдошнинг муддатдан олдин кўчиши-65 (5,5%), ҳомиланинг патологик жойлашиши (чаноқ билан, кўндаланг келиши)-47 (3,9%), хориоамнионит-43(3,6%) кузатилган.

Муддатдан олдин туғиш хавфларини интеграл баҳолаш мақсадида аёлларни 2 гуруҳга бўлиб ўрганилган. Таққослаш мақсадида 400 нафар преэклампсия ташхиси тасдиқланган муддатда ва муддатидан олдин туққан (1- гуруҳи) ҳамда 400 нафар преэклампсия ташхиси тасдиқланмаган муддатда ва муддати туққан (2- гуруҳи) айёллар гуруҳи ажратилган.

Хавф омиллар ва имкониятлар нисбатини (ИН) график кўрсатиш мақсадида жадвал тузилган. Натижада энг кўп кузатиладиган хавф омиллар аниқланган: анамнезида муддатдан олдин туғруқлар (ИН=5,3), 18 ёшгача даврда ҳомиладорлик (ИН=3,2), сурункали сальпингит (ИН=3,2), ҳомиладорлик даврида эмоционал стресс/депрессия (ИН=2,7) ни ташкил этди. Шунингдек, муддатдан олдин туғиш хавфи билан бир қаторда қуйидаги хавф омилларининг учраши аниқланди: ҳомиладорлик даврида ЎРВИ (ИН=2,5), метаболик синдром (ИН=2,5), гестацион пиелонефрит (ИН=2,5), 35 ёшдан катта даврда ҳомиладорлик (ИН=2,5), она томонидан асоратланган анамнез (ИН=2,5).

Янги туғилган чақалоқларда иммунологик текширишлар ЎзР ФА Иммунология ва одам геномикаси институтининг иммуноморфология лабораториясида олиб борилган. Янги туғилган чақалоқ қонида IL-6, IL-8 цитокинлари ва сийдигида INF $\gamma$ , INF $\alpha$  интерферонлари ИФА усулида кўрсатмага мувофиқ, «Цитокин» тест тўпламидан (СПб, РФ) фойдаланилган. Қон ва сийдик таҳлиллари эрта неонатал даврда (0-7 кунгача) олинган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулидан фойдаланиб амалга оширилган. Ўртача фарқлар ишончилиги Стьюдент (t) мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F–Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб баҳоланган. Корреляцион таҳлил Пирсон (r) усулидан фойдаланиб олиб борилган. Чизиқли корреляцион таҳлил қондаги ва пешобдаги цитокинлар кўрсаткичи ва уларнинг мутлақ кўрстагичи орасидаги тўғри боғлиқлик меъзонлари Чеддок шкаласи бўйича (2015) баҳоланган.

Диссертациянинг **“Онадаги преэклампсиянинг чақалоқлар патологиясининг ривожланишидаги таъсири”** деб номланган учинчи бобида преэклампсия билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларнинг клиник ҳолати ҳақидаги маълумотлар берилган. Илмий текширишлар Бухоро вилояти перинатал марказида олиб борилган. 120 та янги туғилган

чақалоқлар 3 гуруҳга бўлиб ўрганилган:

1- назорат гуруҳига 30 нафар физиологик кечган ҳомиладорликдан муддатида туғилган соғлом чақалоқлар олинган.

2- гуруҳга 45 нафар преэклампсия билан касалланган онадан туғилган кам тана вазнли чақалоқлар;

3- гуруҳга 45 нафар гестацион гипертензия тасдиқланган онадан туғилган кам тана вазнли чақалоқлар киритилган.

Оналарга илмий текшириш ҳақида маълумот берилгандан сўнг, ёзма равишда розилик хати олиниб, чақалоқлардан таҳлиллар олинган.

Илмий текшириш учун танланган чақалоқларни гестацион ёш бўйича тақсимланганда: 28-34 ҳафтада 38 (31,1%) чақалоқ, 35-37 ҳафтада энг кўп муддатдан олдин туғилган чақалоқлар-52 (68,9%) ташкил этган. Барча соғлом чақалоқлар (n=30) 38-42 ҳафтада туғилган.

Преэклампсия ва гестацион гипертензия билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларнинг вазни ва бўйи назорат учун олинган соғлом болаларга нисбатан анча камлиги аниқланган ( $p < 0,001$ ). 2-гуруҳ чақалоқларининг ўртача вазни  $1924,53 \pm 52,35$  гр. ташкил этган, яъни соғлом туғилган чақалоқларни ўртача вазнидан ( $3590,2 \pm 52,46$  гр) 1,86 марта кам. Бунда гестацион гипертензия билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларнинг ўртача вазни  $2075,9 \pm 32,23$  гр ни ташкил этган (1-жадвал).

Чақалоқларнинг тана узунлиги гестацион ёшга мослиги ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолишининг гипотрофик тури билан кечишидан далолат беради.

#### 1-жадвал


#### Янги туғилган чақалоқларнинг антропометрик кўрсаткичлари

Чақалоқ аҳолининг клиник кўрсаткичлари	1 – гуруҳ	2 - гуруҳ преэклампсия	3 - гуруҳ гестацион гипертензия
Гестацион. ёш (ҳафта)	$39,3 \pm 0,13$	$32,56 \pm 0,26^{**}$	$34,62 \pm 0,48^{**}$
вазн (гр)	$3590,2 \pm 52,46$	$1924,53 \pm 52,35$	$2075,9 \pm 32,23$
Тана узунлиги (см)	$51,97 \pm 0,31$	$41,27 \pm 0,49$	$45,16 \pm 0,61$
1-дақиқада Апгар шкаласи бўйича баҳоси (балл)	$7,47 \pm 0,10$	$5,96 \pm 0,11^{**}$	$6,84 \pm 0,12^*$
ҲИРОҚ, абс %	0	29(64,4%) <sup>***</sup>	17(37,8%) <sup>**</sup>
Масса 500,0-999,0 г, абс (%)	0	-	1 (2,2%) <sup>****</sup>
Масса 1000-1499,0 г, абс(%)	0	27(60%) <sup>***</sup>	10 (22,3%) <sup>**</sup>
Масса 1500,0-2499 г, абс(%)	0	18(40%) <sup>**</sup>	34 (75,5%) <sup>**</sup>

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли  
(\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Прееклампсия билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларда ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолиш (ХИРОҚ) синдромининг кўпроқ учраши исботланган.

Биокимёвий таҳлиллар шуни кўрсатдики, прееклампсия билан касалланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда гипогликемия  $2,4 \pm 0,07$  ммоль/л, гестацион гипертензия тасдиқланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда ҳам гипогликемия -  $2,53 \pm 0,05$  ммоль /л, назорат гуруҳидаги болалар қонидаги глюкозанинг миқдори эса,  $4,8 \pm 0,07$  ммоль /л аниқланган  $P < 0,001$  (1-расм).



**1-расм. Чақалоқлар қонидаги биокимёвий параметрлар**

2- гуруҳдаги чақалоқлар қонида умумий оқсилнинг  $65,38 \pm 1,16$  г/лгача ошиши ва мочевино миқдорининг  $2,64 \pm 0,11$  ммоль/лгача назорат гуруҳига нисбатан мос равишда  $55,1 \pm 1,17$  г/л ва  $3,49 \pm 0,16$  ммоль/л камайиши аниқланган. Бунда креатинин  $53,92 \pm 1,56$  ммоль/л гача ошишига мойиллиги аниқланган.

3- гуруҳ чақалоқларида эса, гипогликемия- $2,53 \pm 0,05$  ммоль/л, гипопротеинемия- $50,77 \pm 0,76$  г/л аниқланган. Мочевина- $4,20 \pm 0,52$  ммоль/л, креатинин- $50,76 \pm 0,03$  ммоль/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳи  $3,49 \pm 0,16$  ммоль/л ва  $48,9 \pm 2,0$  г/л чегарасига мос равишдалиги кузатилган.

Прееклампсия ва гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорларда туғруқларнинг  $65,6\%$  ҳолатда акушерлик патологиялари билан асоратланиши,  $63,3\%$  ҳолатда туғруқлар жарроҳлик амалиёти билан амалга оширилиши аниқланган.

Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда туғруқлар кўпинча 32-ҳафтада, тана вазни ўртача  $1924,53 \pm 52,35$  гр ташкил этганлиги ва 64,4% ҳолатларда гипотрофик турдаги ҳомила ичи ривожланишдан орқада қолиш белгилари борлиги аниқланган. Ушбу гуруҳ чақалоқларида гипогликемия хавфи жуда юқорилиги сабабли, қондаги глюкоза миқдорини мунтазам назорат қилиш ва ўз вақтида коррекция қилишни талаб қилади.


Гестацион гипертензия тасдиқланган оналардан туғилган кам тана вазли чақалоқларда гипогликемия ва гипопроteinемия хавфи юқори, шунинг учун бундай болаларни парваришлашда индивидуал ёндошиш ва назоратни талаб қилади.

Гестацион гипертензия тасдиқланган оналарнинг биокимёвий таҳлилларида ҳам гипогликемия, гипопроteinемия аниқланган бўлиб, бу ўзгаришлар муддатдан олдин туғиш хавфини янада ошириши тасдиқланган(2-расм).

Маълумки, ҳомиладорлик даврида ишқорий фосфатазанинг миқдори 2-3 мартагача ошиши йўлдошнинг ферментлар гиперпродукцияси билан боғлиқдир. Шу билан биргаликда, ишқорий фосфатаза миқдорининг ошиши ҳомиладорлик холестази ва холестатик гепатозда ҳам кузатилади.

Гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорларда бошқа патологик ҳолатларни инкор қилиш мақсадида, қондаги ЛГД миқдори текширилди. Текшириш натижаларига кўра, гестацион гипертензия аниқланган ҳомиладорларда ЛГД миқдорининг  $463,3 \pm 15,09$  бирлик/л, назорат гуруҳига нисбатан  $304,8 \pm 8,27$  бирлик/л миқдорида ошганлиги аниқланган ( $P < 0,01$ ).

Хулоса қилиб айтганда, ҳомиладорларда гестацион гипертензия метаболик синдром ва қон томирлар эндотелийсининг дисфункцияси билан кечадиган патологик ҳолатлар асосида кечади.



## 2-расм . Ҳомиладор аёллар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари


Преэклампсия билан асоратлаган ҳомиладорларнинг биокимёвий статусида характерли ўзгаришлар- гипогликемия, гипопропротеинемия ва тўқима деструкцияси аниқланди. Гестацион гипертензияли ҳомиладорларнинг қондаги кўрсаткичларидан фарқли равишда, преэклампсияли аёллар қонида ишқорий фосфатаза миқдори назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар билан бир хил.

Преэклампсия билан касалланган ҳомиладорларда тўқима деструкциясининг индикатори ҳисобланган ЛГД миқдори ошган. Бу патологик ҳолат полиорган ўзгаришлар хавфининг юқорилигидан далолат беради.

Кўрсатилган хулосаларни тасдиқлаш мақсадида ҳомиладорларда липидлар спекторини текшириш зарурати туғилди. Натижада бу гуруҳ ҳомиладорларда холестерин- $7,46 \pm 0,16$  ммоль/л ва ТГ-  $2,91 \pm 0,1$  ммоль/л гача назорат гуруҳига нисбатан мос равишда  $5,31 \pm 0,13$  ммоль/л ва  $1,45 \pm 0,04$  ммоль/л, ( $P < 0,05$ ) ошганлиги аниқланган.

Гестацион гипертензияли ҳомиладорларда атерогенлик индекси (АИ)- ( $2,62 \pm 0,11$ ) назорат гуруҳи  $2,42 \pm 0,05$  га мос равишда эканлиги аниқланган.


Преэклампсияда қондаги липидлар спектори кўрсаткичлари ПЗЛП ва атерогенлик индексининг ошиши гиперхолестеринемиядан далолат беради (3-расм).



3-расм. Ҳомиладорликда липидлар спектрининг параметрлари

Демак, преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда юрак қон-томир касалликлари ва атеросклероз касалликлари келиб чиқиш хавфи жуда юқори. Преэклампсия артериал гипертензия ва метаболик синдром асосида ривожланади.

Бактериал яллиғланишни тасдиқлаш мақсадида илмий текширишларда яллиғланиш маркерлари ўрганилди: гестацион гипертензияда СРО - 5,3 мартага, ПКТ - 2,0 марта, VEGF - 5,5 мартагача назорат гурухи нисбатан  $1,69 \pm 0,09$ ;  $-0,07 \pm 0,03$ ;  $-77,4 \pm 1,5$  мос равишда ошганлиги ўз тасдиғини топди (4-расм).



**4-расм . Ҳомиладорликда яллиғланиш маркерларининг кўрсаткичлари**

Эндотелий дисфункциясини ўрганиш натижалари СРО  $5,5 \pm 0,06$  мг/л ва VEGF  $942,8 \pm 3,18$  пг/мл назорат гурухига нисбатан  $1,69 \pm 0,09$  мг/л ва  $77,4 \pm 1,5$  пг/мл ошганлигини кўрсатади. Бунда ПКТ миқдори назорат гурухи кўрсаткичларига кўра 2 мартага ошган

Олинган натижалар гестацион гипертензияли аёлларда бактериал инфекция ривожланиш хавфи юқорилигини англатади. Ўсиш омилларининг юқори фаоллиги ва яллиғланиш маркерларининг прогрессив ошиб бориши юрак қон томир касалликлари, ангиопатиялар хавфининг юқорилигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, гестацион гипертензияни олдини олиш мақсадида рационал тўлақонли озикланиш рационига риоя қилиш, холестатик гепатоз, метаболик синдромни вақтида ташхислаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма текшириш натижалари гестацион гипертензиянинг ҳомилага салбий таъсири оқибатида муддатдан олдин кам тана вазнли туғилиш хавфи жуда юқорилигини кўрсатади.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, гестацион гипертензия ҳам ўз навбатида ҳомиладорликнинг муддатидан олдин тўхтатилиши ва кам тана вазнли бола туғилишига сабаб бўла олади.


Ҳомиладорларда преэклампсия ҳомиладорликкача кузатилган липид ва углевод алмашинувининг ўзгариши билан узвий боғлиқдир.

Репродуктив ёшдаги айёлларда артериал гипертензия ва метаболик синдромнинг давомийлиги, оғирлик даражасига қараб миокард, бош миянинг зарарланиши оқибатида кардиоген, церебрал асоратларнинг келиб чиқиш хавфи юқорилиги исботланган.

Диссертациянинг **“Чақалоқлар дезадаптация синдромида интерферон-цитокинлар ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида преэклампсия билан касалланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларнинг цитокинлар ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган. Натижада, преэклампсия билан касалланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларнинг қонидаги IL-6 миқдори ( $59,47 \pm 2,90$  пг/мл) назорат гуруҳига ( $21,19 \pm 3,83$  пг/мл) нисбатан 2,8 марта ошганлиги аниқланди. Цитокинлар миқдорининг ошиши ушбу гуруҳдаги чақалоқларда тизимли яллиғланишга жавоб синдроми (ЯТЖС) ва чақалоқлар сепсиси ривожланиш хавфи юқори эканлигини кўрсатади (5-расм).

2-гуруҳдаги чақалоқлар қонида IL-8 миқдори ( $91,42 \pm 3,73$  пг/мл) назорат гуруҳига ( $34,62 \pm 4,77$  пг/мл) нисбатан 2,64 марта ошганлиги аниқланди. Бу бачадон-йўлдош гемостаз тизими бузилишларини кўрсатади.

Ўз навбатида, кам тана вазнли чақалоқлар ҳаётининг дастлабки соатларида киндик қонидаги цитокинлар бачадон-йўлдош гемостаз тизими бузилишлар оқибатида яллиғланишга қарши тизимли жавоб синдроми ривожланиш хавфини кўрсатди. Чақалоқларнинг бундай ҳолати дезадаптация синдроми сифатида баҳоланади ва аниқ парвариш усулларини талаб этади.




**5-расм. Эрта неонатал адаптация даврида кам тана вазнли чақалоқлар қон зардобидаги цитокинлар кўрсаткичлари**

Гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда цитокинларнинг солиштирма таҳлилларини динамикада ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, IL-6 миқдори

27,05±1,57 пг/мл назорат гурухига (21,19±3,83 пг/мл) нисбатан кўпроқ, IL-8 (69,89±3,19 пг/мл ) эса, назорат гурухига нисбатан- (34,62±4,77 пг/мл) 2 марта ошган (P<0,01).

Маълумки, 1 ёшгача бўлган болаларда носпецифик резистентлик омиллари, айниқса IFN $\gamma$  ва IFN $\alpha$  синтези паст бўлади.

Бизнинг тадқиқотда инвазив муолажаларни минималлаштириш мақсадида, IFN $\gamma$  ва IFN $\alpha$  кўрсаткичлари чақалоқлар сийдигида аниқланган (6-расм).



**6-расм. Эрта неонатал адаптация даврида кам тана вазнли чақалоқлар сийдигидаги интерферон кўрсаткичлари**

2-гурух чақалоқларда IFN $\gamma$  миқдори (15,08±0,57 пг/мл) назорат гурухига нисбатан (44,57±6,22 пг/мл) 3 марта пасайганлиги аниқланган бўлиб, бу чақалоқлар буйрагининг концентрацион қобилятининг сустлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. IFN $\alpha$  кўрсаткичи- 7,38± 0,33 пг/мл назорат гурухига нисбатан (28,36±5,09 пг/мл) 3,8 марта пасайган. Кам тана вазнли чақалоқлар сийдигида аниқланган интерферон миқдорининг бундай пасайиши, эрта адаптация даврининг асоратли кечиши, организм реактивлигининг пастлиги, неонатал сепсис хавфининг юқорилиги ва самарасиз иммун жавоб реакциясидан башорат қилади.

Шундай қилиб, презклампсия, гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда интерферонлар миқдорининг камлиги чақалоқлар организмида адаптация имкониятларининг етилмаганлиги, неонатал сепсис, яллиғланишга тизимли жавоб синдроми ривожланиш хавфи юқорилигини башорат қилади.

Цитокинларнинг солиштирма таҳлилларини динамикада текшириш натижалари кам тана вазнли чақалоқлар адаптацион хусусиятларининг она саломатлиги билан узлуксиз боғлиқлигини кўрсатади.

Демак , ҳомиладор қонидаги IL-6 ҳам она, ҳам чақалоқ учун саломатлик индикатори ҳисобланади. IL-6 нинг ошиши гестацион гипертензиянинг ривожланиши ва кам тана вазнли чақалоқнинг туғилиши, дезадаптацион

синдромларнинг ривожланиши ҳақида башоратлайди.

3-гуруҳ чақалоқларда  $IFN\gamma$  миқдорини ( $29,21 \pm 3,93$  пг/мл) назорат гуруҳига нисбатан ( $44,57 \pm 6,22$  пг/мл) пасайганлиги аниқланди. Шу билан бирга  $IFN\alpha$  миқдори ( $10,34 \pm 2,9$  пг/мл) назорат гуруҳига нисбатан ( $28,36 \pm 5,09$  пг/мл) 2,8 марта пасайганлиги маълум бўлди.

Олинган натижалар неонатал касалланиш ва ўлим ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ҳомиладор аёлларни ва чақалоқларни тизимли равишда босқичма-босқич олиб бориш чораларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Чақалоқлар дезадаптация синдроми оғирлик даражасининг истиқболли меъзонларини ишлаб чиқишда корреляцион таҳлилнинг аҳамияти”** деб номланган бешинчи бобида ҳомиладорлар биокимёвий қон таҳлиллари натижалари билан кам тана вазнли чақалоқларнинг интерферон-цитокин кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликнинг корреляцион таҳлили келтирилган. Гестацион гипертензия тасдиқланган оналардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда систолик артериал босим (САБ), диастолик артериал босим (ДАБ) ҳамда гестацион ёш орасида мос равишда кучли мусбат боғланиш аниқланган ( $r=0,43$  ва  $r=0,40$ ). Шунингдек, интерферон статусини ўрганиш шуни кўрсатдики, кам тана вазнли чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\gamma$  ҳамда оналардаги ПЗЛП лар орасида ўртача мусбат боғлиқлик мавжуддир ( $r=0,30$ ). Шунингдек, она қонидаги ишқорий фосфатаза (ИФ) кўрсаткичи чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\gamma$  билан кучли манфий боғланиш берганлиги аниқланган ( $r=-0,40$ ).

Кам тана вазнли чақалоқларда цитокинлар статусини ўрганиш натижасида IL-6 нинг прокальцитонин (ПКТ) ва систолик артериал босим билан кучли мусбат боғлиқлиги ( $r=0,40$ ), қондаги билирубин ва креатинин ўртасида ўртача манфий боғлиқлик ( $r=-0,30$ ) борлиги аниқланган.

Гестацион гипертензия тасдиқланган аёл қонидаги IL-8 боғланмаган билирубин ва креатинин билан мос равишда ўртача мусбат боғлиқликни ( $r=0,30$  и  $r=0,31$ ) кўрсатган.

Кам тана вазнли чақалоқлар аҳволининг оғирлик даражасининг онанинг саломатлик даражасига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида, преэклампсия билан асоратланган оналар қон кўрсаткичлари чақалоқлар кўрсаткичлари билан корреляцион таҳлил қилинди. Натижада, оналар қонидаги ПКТ кўрсаткичи ва чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\gamma$  орасида ( $r=0,32$ ), оналарнинг ДАБ ва чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\alpha$  орасида ( $r=0,32$ ) ҳамда преэклампсия билан асоратланган оналар қонидаги мочевина ва чақалоқлар қонидаги IL-8 орасида ( $r=0,33$ ) ўртача мусбат боғлиқлик аниқланган.

Юқорида келтирилган корреляцион боғланишлардан фарқли равишда, преэклампсия гуруҳидаги оналар қонида боғланмаган билирубин ва чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\alpha$  орасида кучли манфий боғланиш аниқланган ( $r=-0,43$ ). Аниқланган бу боғланиш шуни кўрсатадики, оналар қонида боғланмаган билирубин миқдори қанча юқори бўлса, чақалоқларда интерферонлар кўрсаткичи шунча паст бўлади.

Шу билан биргаликда, преэклампсия билан асоратланган она қонидаги ЮЗЛП ва кам тана вазнли чақалоқлар қонидаги IL-6 орасида кучли мусбат

боғланиш аниқланган ( $r= 0,40$ ), ПЗЛП кўраткичи эса, чақалоқларнинг ўрганилган параметрлари билан боғлиқлик бермаган.

Маълумки, IL-6 бактериал инфицирланиш белгиси бўлиб, неонатал сепсис ривожланганда ошади. IL-6 ва ЮЗЛП лар орасидаги кучли мусбат боғланиш ҳомиладорлардаги холестатик гепатоз ва холестаза ҳолатининг ривожланиши ва кейинчалик неонатал сепсис хавфининг ошиб боришини исботлайган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, преэклампсия тасдиқланган аёлларда липидлар спектрини ўрганиш кам тана вазнли чақалоқларда дезадаптация синдроми ва сепсис ривожланиши истиқболлини башоратлаш имконини берган.

Юқоридаги корреляцион боғланиш натижаларидан келиб чиқиб, кам тана вазнли чақалоқлар сийдигидаги интерферон, қонидаги цитокинлар билан преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда биокимёвий қон кўрсаткичлари орасида муҳим боғлиқлик бўлиб, шу боғлиқлар асосида кам тана вазнли чақалоқлар туғилишини башоратлаш ва уларни парваришлаш тактикасини танлаш мумкин.

Шунга кўра, сийдикда  $IFN\alpha < 7,0$  пг/мл ва қонда  $IL-6 > 60,0$  пг/мл кам тана вазнли чақалоқларда дезадаптация синдромининг меъзонлари деб белгиланган.

## ХУЛОСА

1. Муддатдан олдин туғилишнинг энг кўп учрайдиган хавф омиллари аниқланди: анамнезида муддатдан олдин туғруқларнинг бўлиши (ИН=5,3), ҳомиладорнинг ёши 18 ёшдан кичик (ИН =3,2), сурункали сальпингоофорит (ИН=3,2), ҳомиладорлик давридаги рухий стресс/депрессия (ИН =2,7). Шу билан бирга, куйидаги хавф омиллари эрта туғруқнинг хавф омили сифатида тенг аҳамиятли эканлиги аниқланган: ҳомиладорлик даврида ЎРВИ (ИН =2,5), гестацион пиелонефрит (ИН =2,5), метаболик синдром (ИН =2,5), ҳомиладор аёлнинг ёши 35 дан катта (ИН =2,5).

2. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқлар иммун статусида IL-6 миқдорининг 2,8 марта, IL-8 миқдорининг 2,64 марта ошиши фонида сийдикда интерферонлар миқдорининг пасайиши хос эканлиги аниқланди. Гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларда гипогликемия, гипопротеинемия ривожланиши жуда хавфи ҳолат бўлиб, IL-8 миқдорининг 2 марта ошиши ва сийдикда интерферонларнинг пасайиши характерлидир.

3. Преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорлар қонидаги боғланмаган билирубин ва чақалоқлар сийдигидаги  $IFN\alpha$  орасида кучли манфий боғлиқлик ( $r=- 0,43$ ) аниқланди. Шунингдек, шу гуруҳ аёллар қонидаги ЮЗЛП ҳамда чақалоқлар қонидаги IL-6 орасида кучли мусбат боғланиш ( $r= 0,40$ ), оналар қонидаги мочевина ва чақалоқлар қонидаги IL-8 орасида ўртача мусбат боғланиш ( $r=0,33$ ) аниқланган бўлиб, бу ҳомиладор аёллардаги холестаза ва холестатик гепатоз, чақалоқларда эса, дезадаптация синдроми ва кейинчалик кам тана вазнли чақалоқларда неонатал сепсис

ривожланиши учун замин яратади.

4. Преэклампсия ташхиси тасдиқланган ҳомиладор аёллардан туғилган кам тана вазнли чақалоқлар учун сийдикда  $IFN\alpha < 7,0$  пг/мл ва қонда  $IL-6 > 60,0$  пг/мл миқдорда бўлиши неонатал дезадаптация меъзонлари бўлиб ҳисобланади. Преэклампсия ва гестацион гипертензия тасдиқланган ҳомиладорлардан туғилган кам тана вазнли чақалоқларни чақалоқлар патологияси ва неореанимация бўлимларида парваришlashга мўлжалланган дастур, неонатал дезадаптация синдромини эрта ташхислаш ва неонатал сепсис ривожланишининг олдини олишда хизмат қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ НАУЧНОГО  
СОВЕТА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЮЛДАШЕВА ГУЛНОЗ ГИОЗОВНА**

**ИММУНО-БИОХИМИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ НЕОНАТАЛЬНОЙ  
ДЕЗАДАПТАЦИИ МАЛОВЕСНЫХ ДЕТЕЙ, РОДИВШИХСЯ ОТ  
МАТЕРЕЙ С ПРЕЭКЛАМПСИЕЙ**

**14.00.36 - Аллергология и иммунология  
14.00.09 - Педиатрия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/Tib2335.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

<b>Научные руководители</b>	<b>Наврузова Шакар Истамовна</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Мухамедова Шахноза Толибовна</b> PhD, доцент
<b>Официальные оппоненты</b>	<b>Нуралиев Неккадам Абдуллаевич</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Гульнара Талиповна Ташенова</b> доктор медицинских наук, доцент (Республика Казахстан)
<b>Ведущая организация</b>	<b>Федеральное государственное бюджетное учреждение Ивановский научно- исследовательский институт материнства и детства им. В.Н.Городкова</b> (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_ часов на заседании разового научного совета на основании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № \_). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**А.Ш. Иноятов**

Председатель разового Научного совета на основании научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Ученый секретарь разового Научного совета на основании научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

**Б.З.Хамдамов**

Председатель разового Научного семинара на основании Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последние десятилетия все актуальнее становится проблема рождение детей с низкой массой тела (менее 2500г) в результате преждевременных родов или внутриутробной задержки развития плода. Преэклампсия – патология беременности, которая является одной из самых актуальных проблем акушерства и неонатологии, так как служит причиной материнской и перинатальной заболеваемости и смертности, рождения маловесных недоношенных детей. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), доля таких детей среди новорожденных составляет от 5 до 16 % роста перинатальной патологии, связанная с нарушением адаптации новорожденного ребенка к внеутробной жизни<sup>1</sup>.

На мировом уровне ежегодно преэклампсия и эклампсия являются причиной более 500 тысяч смертей плода и новорожденного. Дети, родившиеся с малой массой тела, умирают в 25– 30 раз чаще, чем дети нормальной массой тела, и составляют от 55 до 65% от числа умерших на первом году жизни. Перинатальная смертность маловесных детей в 6-10 раз выше, чем новорожденных с нормальной массой тела, а перинатальная заболеваемость составляет от 70 до 80% и является важной социальной и экономической проблемой для государства в связи с высокими затратами на выхаживание, реабилитацию и социальную адаптацию таких детей.

В нашей стране на сегодняшний день ведется масштабная работа по совершенствованию системы здравоохранения, социальной защиты, адаптации медицинской системы к мировым стандартам, ранней диагностике, лечению и профилактике заболеваний, увеличению продолжительности жизни. «Совершенствование системы оказания высокотехнологичной медицинской помощи женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям, создание межрайонных перинатальных центров, обеспечение их кадрами, необходимой медицинской техникой и изделиями, а также создание благоприятных условий для расширения возможностей оказания высокотехнологичной медицинской помощи»<sup>2</sup> являются одним из основных целей Стратегии развития Нового Узбекистана. В результате реализации комплексных широко плановых мероприятий в области охраны материнства и детства младенческая смертность уменьшилась в 3,3 раза. Профилактика и превентивная терапия отклонений состояния здоровья женщины, осложнений беременности и родов играют исключительно важную роль в предупреждении не вынашивания и рождения

---

<sup>1</sup> The global strategy for women's, children's and adolescents' health (2016-2030). Every Woman Every Child. Saving lives, protecting futures: Progress report on the Global Strategy for Women's and Children's Health. New York: United Nations, 2015. [www.who.int/maternal\\_child\\_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1](http://www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1) - 679к

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 г. № УП-60.

ребенка с малым весом тела.

